

№ 2 (3) 2023

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES**



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL**

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 2 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қўчимов Шуҳрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети.

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот

технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шохидা Зайнисевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Марҳабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура курилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

“Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-үй.

Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Полвонов Козимбек Наимович
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (1970-2022 йиллар) 7-13

Махмудова Азизаҳон Носировна
ПАЛЕОЛИТШУНОСЛИК СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИДА Р. Х. СУЛЕЙМАНОВ
ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ЎРНИ 14-21

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Kurpayanidi Konstantin Ivanovich
MODERN DIGITALIZATION: PRIORITIES AND PROSPECTS IN THE CONTEXT OF ECONOMIC
TRANSFORMATION 22-28

Паязов Мурод Максудович
ДАВЛАТ ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИ АСОСИДА ТЕМИР ЙЎЛ ХИЗМАТЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИНИРИШДА: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР 29-37

Шохўжаева Зебо Сафоевна
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВТЕЖАМКОР СУГОРИШ УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ
САМАРАДОРЛИГИ 38-45

Asamxodjayeva Shoira Shukurullayevna
INSON KAPITALI RIVOJIGA TA'SIR QILUVCHI OMILLAR 46-50

Элбоев Бобур Ботирович
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА САВДОНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА БАНК КАФОЛАТИ ВА
ЗАХИРА АККРЕДИТИВНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШI 51-60

Ermatov Akmaljon Akbaraliyevich
O'ZBEKİSTONDA MOLİYAVİY BOSHQARUV TİZİMİNİ RIVOJLANTIRISH 61-68

Абдиқулова Дилноза Абдуқадировна
АГРАР СОҲА ЎСИШИНИ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРГА ТАЪСИРИНИ
СТАТИСТИК ЎРГАНИШ 69-74

Qudbiyev Nodir Tohiro维奇, Tojimatov Abdumutalibjon Abduqayumovich
KORXONALARNING TIJORAT BANKLARI BILAN O'ZARO MUNOSABATLARI TİZİMİNİ
TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI 75-84

Rasulova Shaxnoza Xatamovna
XARAJATLAR HISOBINI TASHKIL ETISH VA TASNIFFLASHNING IQTISODIY AHAMIYATI .. 85-93

Болтаев Нурали Шираматович
АГРАР ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН КАДРЛАРНИ МЕҲНАТ
БОЗОРИДА РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ 94-103

09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ*Tulaganov Muminjon Taxtamuratovich*

JAMIYATDA FUQAROLARNING HUQUQIY -SIYOSIY ONGINING YUKSALTIRISHDA
ETNOMADANIY OMILLARNING O'RNI 104-109

Aripov Alisher Abdumalikovich

YOSHLAR MA'NAVIY XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHDA MILLIY VA DINIY BAG'RIKENGLIKNING
O'RNI 110-117

Xabib Sattorov

TASAVVUF TA'LIMOTIDA SHARIAT, TARIQAT, MA'RIFAT, HAQIQAT BOSQICHLARI 118-123

Турсинбай Султонов

ИСТЕДОДНИНГ ИККИ МУХИМ ТОМОНИ 124-132

Сафаров Улугбек Турсунович

МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИННИГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ 133-138

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ*Бектурсынова Айсултан Марат кызы*

М.М. БАХТИН КАК ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ ЯЗЫКОВАЯ ЛИЧНОСТЬ УЧЕНОГО-ФИЛОЛОГА
ФИЛОСОФСКОГО ТИПА 139-145

Назарова Сайёра Азимжановна

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ТЕРМИНЛАРИНИ ТАРИХИЙ
БОСҚИЧЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ 146-151

Isroilova Manzura Jamolovna

BOSMA NASHRLARDA FRAZEOLOGIK BIRLIKLARNING LEKSIK-SEMANTIK
TRANSFORMATSIYASI 152-156

12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР*Утемуратов Махмут Ажимуратович*

ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ ТАКОМИЛЛАШУВИГА ҲУҚУҚИЙ НИГИЛИЗМ ВА ҲУҚУҚИЙ
ИДЕАЛИЗМНИНГ ТАЪСИРИ 157-162

Узакова Гўзал Шариповна

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ МАҶСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА ҚАШШОҚЛИК ВА ОЧЛИКНИ
ТУГАТИШ, СОҒЛИК ВА ФАРОВОНЛИККА ИНТИЛИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ 163-175

Abdixakimov Islombek Bahodir o'g'li

SUG'URTA FRANSIZASI VA UNING TURLARI HAQIDA 176-180

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ*Мамадалиева Нулуфар Баҳодировна*

ЎҚУВ ФАНЛАРИ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРНИ ЎҚИТИШ ОРҚАЛИ БОШЛАНГИЧ
СИНФ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ОҒЗАКИ НУТҚ ВА ФИКРЛАШ ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 181-185

12.00.00 – Юридик фанлар

Узакова Гўзал Шариповна,
Тошкент давлат юридик университети Экология хуқуқи
кафедраси мудири, юридик фанлари доктори (DSc), доцент

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА ҚАШШОҚЛИК ВА ОЧЛИКНИ ТУГАТИШ, СОҒЛИК ВА ФАРОВОНЛИККА ИНТИЛИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация: Мақолада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш дастурида белгиланган мақсадлар умумий асосларда ёритилган. Мақолада қашшоқлик ва очликни тугатиш, соғлик ва фаровонликка эришишда жаҳон ҳамжамияти олдида турган вазифалар, Ўзбекистон Республикасида мазкур йўналишда амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар, уларнинг хуқуқий асослари ўрганилган ва таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: барқарор тараққиёт мақсадлари, атроф-муҳит, қашшоқлик, очлик, соғлик, фаровонлик

Узакова Гузал Шариповна,
Заведующая кафедры Экологическое право, Ташкентского
Государственного юридического университета,
доктор юридических наук (DSc), доцент

СОЦИАЛЬНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ИСКОРЕНЕНИЯ НИЩЕТЫ И ГОЛОДА, СТРЕМЛЕНИЯ К ЗДОРОВЬЮ И БЛАГОПОЛУЧИЮ В ДОСТИЖЕНИИ ЦЕЛЕЙ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ

Аннотация: В статье на общих основаниях освещаются цели, поставленные в программе устойчивого развития Организации Объединенных Наций. Вместе с этим изучены и проанализированы задачи, стоящие перед мировым сообществом в искоренении нищеты и голода, достижении здоровья и благополучия, а также системные меры, осуществляемые в Республике Узбекистан в этом направлении, их правовые основы.

Ключевые слова: цели устойчивого развития, окружающая среда, нищета, голод, здоровье, процветание

Guzal Uzakova Sharipovna,
Head of the Environmental Law Department
of Tashkent State University of Law, DSc, Associate Professor

SOCIO-LEGAL FOUNDATIONS OF THE PURSUIT OF HEALTH AND WELL-BEING, ENDING POVERTY AND HUNGER IN ACHIEVING THE GOALS OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT

Annotation: The article covers the goals set by the Sustainable Development Program of the United Nations in general terms. The article examines and analyzes the tasks facing the world community in ending poverty and hunger, achieving health and well-being, systematic measures implemented in this direction in the Republic of Uzbekistan, and their legal basis.

Keywords: sustainable development goals, environment, poverty, hunger, health, well-being.



<https://doi.org/10.47390/1342V3I2Y2023N22>

XXI асрга келиб бутун дунё турли ижтимоий-иқтисодий, глобал экологик муаммолар қуршовида қолиб, уларни ҳал этиш ва салбий оқибатларига қарши кураш барчанинг бирдек вазифасига айланди. Бутун дунё ҳозирда чўлланиш ва қурғоқчилик, ҳавонинг ифлосланиши, сув етишмаслиги, биохилма-хилликнинг камайиши каби қатор экологик муаммолар оқибатида вужудга келаётган талофатларни бошидан кечирмоқда. Олимларнинг таъкидлашича, уларнинг аксариятига ер шаридағи иқлим ўзгариши сабабли содир бўлмоқда. Саноат ва ишлаб чиқаришнинг атроф мұхитта етказаётган салбий таъсири натижасида экологик барқарорликка путур етиб, унинг таъсирида ҳавонинг ўртacha иссиқлик даражаси ошиши кузатилмоқда. Бу эса ўз-ўзидан чучук сув захираларининг буғланиши, яшилликнинг камайиши, об-ҳаводаги иссиқ ёки совуқ кунларнинг ўртacha меъеридан ортиши каби ҳолатларга олиб келмоқда. Табиатдаги ҳар бир ҳодиса бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, ушбу занжирнинг бир халқасида юз берган ўзгариш бошқаларида ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди албатта. Инсон эса сўзсиз, табиатнинг ажралмас бўлагидир. Табиат аталмиш борлиқда қандай яшшимиз ва келажак авлодларга муносиб макон қолдиришимиз албатта унга бизнинг бугунги муносабатимизга боғлиқ.

Табиатга салбий таъсирни камайтириш ва унинг оқибатларини юмшатиш учун олимлар турли йўлларни таклиф қилишади. Улар ичida чиқиндиларни қайта ишлашни кенгайтириш, электр транспортларини кўпайтириш, ишлаб чиқаришда камчиқит технологияларни қўллаш, саноат ва қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш, қайта тикланадиган энергия ресурсларидан кенгроқ фойдаланиш каби турли йўллар таклиф қилинади. 2012 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган “Барқарор ривожланиш концепцияси” айнан шу мақсадларга хизмат қилиб, барқарор ривожланиш мақсадларини ўз ичига олган дастур ҳар бир инсон учун фаровон турмуш тарзини яратишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, экологик кўрсаткичларни ўз ичига олади. 2015 йил 25-27 сентябр кунлари БМТнинг 200 дан ортиқ давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этган Саммитда айнан Барқарор ривожланиш масаласи кун тартибига қўйилди ва яқин 15 йилга мўлжалланган тадбирлар режаси эълон қилинди. Мазкур мақсадлар БМТга аъзо барча давлатлар томонидан 2015-2030 йиллар давомида амалга оширилиши кўзда тутилган.

Барқарор ривожланиш мақсадлари 17та глобал мақсадни ҳамда улар билан боғлиқ 169та вазифани ўз ичига олиб, улар инсоният фаровон турмуш кечириши билан боғлиқ барча соҳаларни қамраб олади: 1) қашшоқликни йўқотиш; 2) очликни тугатиш; 3) соғлик ва фаровонлик; 4) сифатли таълим; 5) гендер тенглиги; 6) тоза сув ва санитария; 7) арzon ва тоза энергия; 8) муносиб иш ўринлари яратиш ва иқтисодий ўсиш; 9) саноатлаштириш, инновациялар, инфратузилма; 10) тенгсизликни камайтириш; 11) барқарор шаҳарлар ва қулай яшаш жойларини яратиш; 12) масъулиятли истеъмол ва ишлаб чиқариш; 13) иқлим ўзгаришига қарши курашиш; 14) денгиз экотизимларини асрash; 15) қуруқлиқдаги экотизимларни асрash; 16) тинчлик, адолат ва самарали бошқарув; 17) барқарор ривожланиш йўлида ҳамкорлик.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 83-сон карори билан “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш

соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар” тасдиқланган [1]. Ушбу хужжат билан Ўзбекистон БРМ дастурининг 17та мақсадлардан 16тасини миллийлаштириш ва амалга ошириш вазифасини ўз олдига қўйган. Республика худудида денгиз ҳавзалари мавжуд бўлмагани боис, 14-мақсад (денгиз экотизимларини асраш) Ўзбекистон томонидан миллийлаштирилмаган.

Ўзбекистонда БРМнинг амалга оширилиши 2017-2021 йилларга мўлжалланган миллий ҳаракатлар стратегияси, ҳозирда эса 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси доирасида кенг кўламли ислоҳотларга тўғри келди [2]. Хукумат ислоҳотларнинг натижадорлигини 23 та глобал индекс орқали кузатиб боради ва мамлакатнинг ушбу индекслар бўйича ҳалқаро рейтингларда юқорилаши кузатилмоқда.

Бу борада миллий мақсадларга эришишда Ўзбекистон бозор муносабатларини янада эркинлаштиришга таянади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар замирида “инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган бир тамойил мужассам бўлиб, у барқарор ривожланиш мақсадлари билан ҳамоҳангидир. Барқарор ривожланиш мақсадлари қабул қилинган пайтдан бошлаб Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва амалий механизmlарини такомиллаштириш йўналишида тизимли чора-тадбирлар амалга ошириб келмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиизда конституциявий ислоҳотлар амалга оширилмоқда, қолаверса, давлат бошқаруви органлари фаолияти маъмурий ислоҳотлар концепцияси доирасида такомиллаштирилмоқда, бутун жамият ҳаётида оммавий ахборот воситалари фаолияти эркинлашиб, электронлаштириш жараёни оммалашмоқда.

Экология соҳасида иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш, унга мослашиш масалаларига, айниқса, Орол денгизи минтақаси муаммолари ҳамда сув, эр ва энергетика ресурсларини сақлаш ва эҳтиёткорлик билан ишлатиш, шунингдек, биологик хилма-хилликни сақлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистон раҳбарияти ҳалқаро аҳамиятга эга ташабbusлари билан БМТ доирасидаги ҳамкорликка янгича мазмун-моҳият бағишилаб, икки томонлама алоқаларни жадал мустаҳкамлаб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йил 19 сентябр куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида: “Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар тўғрисида сўз юритар эканмиз, минтақанинг умумий сув заҳираларидан оқилона фойдаланиш каби муҳим масалани четлаб ўтломаймиз... Ўзбекистон БМТнинг превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан ишлаб чиқилган Амударё ва Сирдарё ҳавзалари сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенциялар лойиҳаларини қўллаб-қувватлайди”, – дея алоҳида таъкидлаганди.

“2018 йил 22 июн куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва ҳалқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” резолюцияси қабул қилинди”. Лойиҳаси Ўзбекистон томонидан Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ушбу хужжатни БМТга аъзо барча давлатлар бир овоздан қўллаб-қувватлади.

2020 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ

Бош ассамблеяси сессиясининг онлайн шаклда ўтказилган 75-сессиясида нутқ сўзлаб, минтақавий ва глобал миқёсда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, барқарор тараққиётни таъминлаш, инсон ҳуқуқларига риоя этишини қўллаб-қувватлаш, конструктив мулоқотни кенгайтириш, шунингдек, иқлим ўзгариши, озиқ-овқат хавфизилиги муаммоси, қашшоқликка барҳам бериш ва камбағалликни қисқартириш каби долзарб масалалар юзасидан бир қатор ташабbusларни илгари сурди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон [Фармони билан тасдиқланган “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш Концепцияси”](#) барқарор ривожланиш мақсадларига хизмат қилади [3].

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишлари профилактикаси, уларни аниқлаш ва олдини олишнинг самарали механизмларини жорий этиш, республика аҳоли пунктларининг санитария ва экологик ҳолати учун давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва фуқароларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларга эришишни таъминлаш мақсадида қўйидагилар *Концепциянинг мақсадлари ҳисобланади:*

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ҳаёти ва саломатлик даражасини яхшилашнинг зарур шарти сифатида атроф муҳитнинг қулай ҳолатини таъминлаш;

атроф муҳитга ва аҳолининг саломатлигига салбий таъсирни пасайтирувчи инновацион технологияларни жорий этиш ҳисобига барқарор иқтисодий ривожланиш;

атроф муҳит объектларидан оқилона фойдаланишни ва биологик ресурслар қайта тикланишини таъминлаш.

Мазкур татқиқот доирасида барқарор ривожланиш мақсадларининг баъзилари ҳақида фикр юритар эканмиз, қашшоқлик ва очликни тугатиш, соғлик ва фаровонликка эришиш барқарор ривожланиш дастурининг дастлабки мақсадларидан эканини эътироф этиш жоиз.

Қашшоқлик ва очликни тугатиш масаласи. Таъкидлаш жоизки, ҳар йили 17 октября дунёда қашшоқликка барҳам бериш халқаро куни нишонланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1992 йил 22 декабрдаги резолюсиясида 17 октябр – Халқаро қашшоқликка барҳам бериш куни, деб эълон қилинди. Мазкур резолюсия билан БМТ Бош Ассамблеяси қашшоқликка барҳам бериш бўйича БМТ учинчи ўн йиллигини (2018-2027) эълон қилди. Ўн йиллик шиори “Дунёни қашшоқлиқдан олиб чиқиш учун глобал ҳаракатни кучайтириш”, деб аталади.

“Қашшоқлик” атамаси кўпинча ўта камбағаллик синоними сифатида қабул қилинади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таърифига кўра, қашшоқлик нафақат барқарор ҳётни таъминлаш учун даромад ва ресурслар етишмаслиги, балки очлик ва тўйиб овқатланмасликни ҳам билдиради, қашшоқлик стандарти ҳам вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилади.

Афсуски, дунё бўйича қашшоқликда яшаётган одамлар оз эмас. Масалан, 2021 йил дунё бўйлаб 711 миллион киши ўта қашшоқ яшаган. Кўриниб турибдики, инсоният ушбу муаммони ҳали ҳал қилган йўқ. Бугунги кунда 1.3 миллиард одам эса у ёки бу даражада қашшоқ яшашда давом этмоқда. Ачинарлиси, уларнинг деярли ярми болалар ва ёшлардан

иборатдир. Ҳатто, энг бой мамлакатларда ҳам 30 миллиондан ортиқ бола ҳозирда қашшоқлик чегарасида кун кўрмоқда.

Қашшоқлик ва очлик бир-бiri билан узвий боғлиқ мезонлар бўлиб, бири доимо иккинчисини тақозо этади. ФАО маълумотларига кўра, 2021 йилда дунёда 728 млн киши очликдан азият чекди, бу 2020 йилга нисбатан, қарийб, 46 миллион кишига, пандемия бошлангунга қадар 150 миллион кишига қўпайганини билдиради. Прогнозларга кўра 2030 йилга бориб Африка қитъасида очликнинг таъсири кучайиши, юшқа ҳудудларда нисбатан камайиши кутилмоқда [4].

Жаҳон озиқ-овқат дастури маълумотига кўра, 45 мамлакатда 50 миллион киши очлик хавфи остида яшамоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатида қашшоқлик ва очликка қарши кураш масалалари давлат дастурларида, қонун хужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларда, қолаверса бажарилаётган амалий ишларда ўз ифодасини топмоқда. **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 83-сон қарори билан тасдиқланган 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг 1-мақсади** барча жойларда аҳолининг кам таъминланганлик даражасини пасайтиришга эришидан иборат бўлиб, ушбу мақсад доирасида қуидаги **вазифалар** белгиланган:

мамлакатда камбағаллик даражасини икки бараварга қисқартириш;

кам таъминланган эркаклар, хотин-қизлар ва барча ёшдаги болаларнинг улушкини кам таъминланишнинг барча кўринишларида икки бараварга қисқартириш;

аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллиги ва самарадорлигини кучайтириш, ижтимоий ҳимоя қилиш хизматлари сифатини ошириш, ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари доирасига муҳтожларнинг барчаси тўлиқ қамраб олинишига эришиш;

бутун аҳолининг, жумладан, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг базавий захиралардан (ер участкалари, янги технологиялар, банк кредитлари, масофавий банк хизматлари ва бошқалар) фойдаланишлари учун қулай иқтисодий ва молиявий шарт-шароитлар, чакана тўлов тизимлари инфратузилмалари, янги технологиялар ва молиявий хизматлар, шу жумладан микромолиялаштириш билан таъминлаш;

аҳолининг ижтимоий заиф қатламларининг яшаш шароитларини яхшилаш, шу жумладан, уларга иқтисодий, ижтимоий ҳамда экологик муаммоларнинг салбий таъсирининг олдини олиш.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегиясида мамлакатимизда қашшоқлик ва очликка қарши кураш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда ушбу йўналишдаги аниқ мақсад ва вазифалар белгилаб қўйилган. Ушбу мақсадлар турли йўналишларда зарур чора-тадбирлар олиб боришни назарда тутади. Хусусан, **11-мақсадда** Халқ билан мулоқотнинг механизмларини такомиллаштириш белгиланган бўлиб, халқ билан очиқ мулоқот, аҳоли турли қатламларининг давлат бошқаруви фаолиятидаги жамоатчилик иштироки орқали ҳам қашшоқлик ва очликка қарши курашиш назарда тутилади.

21-мақсадда иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни – 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш учун замин яратиш чора-тадбирлари белгиланади.

29-мақсадда тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушкини 80 фоизга ва экспортдаги улушкини 60 фоизга етказиш белгиланган бўлиб, бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан “Очиқ мулоқоти”ни ўтказиш, ҳудудларда 200 та янги саноат зоналарини ташкил этиш ва бизнес-инкубаторлар тизимини ривожлантириш, шароити оғир бўлган туманларда тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш кабилар назарда тутилади.

30-мақсадда қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш; **32-мақсадда** эса чорвачилик озуқа базасини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 – 2 баравар кўпайтириш белгилаб қўйилди.

Тараққиёт стратегиясида адолатли ижтимоий сиёsat юритиш, инсон капиталини ривожлантириш йўналишида **37-мақсад белгиланган бўлиб**, унда ҳар бир фуқарога давлат ҳисобидан аниқ касб-хунарга ўқиш имкониятини яратиш. Касбга ўқитиш кўламини 2 баравар ошириб, жами 1 миллион нафар ишсиз фуқарони касб-хунарларга ўқитиш ва бу жараёнда нодавлат таълим муассасаларининг иштирокини 30 фоизга етказиш белгиланган.

Шунингдек, аҳоли учун мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш (53-мақсад); пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш (54-мақсад) белгиланган.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришининг илмий-хуқуқий асослари. Дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тобора долзарб бўлиб бомоқда. Мазкур муаммо бир тарафдан иқлим ўзгариши, қишлоқ хўжалик ерларининг деградатсияси, сув тақчиллиги каби муаммолар билан бўлса, иккинчи тарафдан дунёда юз бераётган геосиёсий вазият билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. 2022 йилнинг 20 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатида Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг 2023 йилдаги устувор йўналишлари белгилаб берилди [5]. Мамлакатимизда сўнгги йилларда аҳолига томорқа ерлари ажратиб берилмоқда, томорқа ерларидан олинадиган ҳосил аҳолини иш билан таъминлаш билан бир қаторда мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ҳам хизмат қиласи. Қишлоқ хўжалик соҳасида сўнгги йилларда “Томорқа хўжалиги тўғрисида”ги қонун, “Яйловлар тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ҳозирда “Тупроқ унумдорлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Ер кодекси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуни, “Қишлоқ хўжалик кооперативи

(ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги қонуни озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб қувватлаш мақсадида ер участкалари ажратиб берила бошланди, дастлаб ерларни раёнлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди, қишлоқ хўжалик ерларининг мелиоратив ҳолати яхшиланди, пахта яккаҳокимлигидан воз кечилиб, фермер ва деҳқон хўжаликлари турли мева, сабзавотлар, полиз экинлари етиштиришга ихтисослаштирилди. Кейинчалик, аниқроғи 2000-йиллардан бошлаб балиқчилик, паррандачилик, асаларичилик, ёнғоқчилик каби қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди, ушбу соҳаларнинг ҳуқуқий баҳаси мустаҳкамланди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) асосий субъект сифатида фаолият юритган бўлса, 2004-2007 йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ташкил этишнинг ушбу ташкилий-ҳуқуқий шаклидан аста-секин бошқа шаклларга, жумладан фермер хўжаликлари фаоиятини кенгайтиришга ўтилди. 2016-2017-йилларда қишлоқ хўжалик соҳасида фаолият юритувчи субъектларнинг ердан фойдаланишида қонунчиликка бир қатор янгиликлар киритилди, жумладан фермер хўжаликлари фаоиятини ташкил этишда уларни қўптармоқли фермер хўжаликларига айлантириш талаби қўйилди. Сўнгги йилларда эса, қишлоқ хўжалик соҳасини индустрлаштириш, фермер-дехқонларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ошириш мақсадида агрокластерлар ташкил этилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси [6] қабул қилинган бўлиб, унда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини барқарор ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Мазкур Стратегиянинг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ислоҳотларни янада чукурлаштиришда давлат сиёсатини тубдан такомиллаштиришга йўналтирилган бўлиб, қуидаги устувор йўналишларни қамраб олади:

- аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш;
- қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш;
- соҳа бошқарувида давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш;
- табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш;
- давлат бошқарувининг замонавий тизимларини ривожлантириш;
- тармоқни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат харажатларини босқичмабосқич диверсификатсия қилиш;
- қишлоқ хўжалигида илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш;
- қишлоқ худудларини ривожлантириш;
- тармоқ статистикасининг шаффоғ тизимини ишлаб чиқиш.

Стратегияни амалга ошириш йўналишлари бўйича ҳар йили 1 декабрга қадар келгуси йилга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Соғлик ва фаровонликнинг юридик тавсифи, унга эришишда экологик нормативларга риоя қилиш зарурати. Аҳолининг соғлигини сақлаш ва фаровонликка эришишига кўмаклашиш барқарор ривожланишнинг асосий мақсадларини ташкил қилиб, нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамда ривожланган давлатлар мазкур йўналишларда фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келади. Жумладан, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти мазкур йўналишда фаолият юритувчи муҳим ташкилотлардан саналади [7].

Соғлик ва фаровонлик тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳар иккаласи соғлом ва қулай атроф муҳит, табиий ресурслардан тўғри фойдаланиш, экологик нормативларга риоя қилиш, самарали соғлиқни сақлаш тизими фаолияти, шаҳарсозлик соҳасида қулай яшаш шароити, экологик асосланган фаолият тушунчалари, давлат ва бошқа тузилмалар томонидан уларнинг таъминланиши билан боғлиқдир. Мазкур тушунчаларни ва уларнинг таъминланиши билан боғлиқ нормаларни экология, шаҳарсозлик, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик ва бошқа қонун ҳужжатларида учратиш мумкин.

Хўш, мамлакатимизда соғлиқни сақлашнинг бугунги ҳолати қандай?

Мустақиллик йилларида аҳолининг умр кўриши 4,6 ёшга - 1995 йилдаги 69,1 ёшдан 2017 йилда 73,7 ёшга ошиди. Оналар ўлими кўрсаткичи 3,1 бараварга камайиб, 100 минг нафар тирик туғилган чақалоққа нисбатан 21 та ҳолатни ташкил этди, чақалоқлар ўлими эса 3,1 бараварга камайиб, 1000 нафар тирик туғилган чақалоққа нисбатан 11,5 та ҳолатни ташкил этди. Болаларда энг кўп учрайдиган касалликларга қарши эмлаш ва профилактика тадбирлари билан қамраб олиш даражаси 96 - 98 фоизда қатъий сақланиб турибди. Юқумли касалликларга қарши курашиш бўйича комплекс профилактика, эпидемияга қарши ва санитария-гигиена тадбирларининг жорий этилиши ўта хавфли юқумли касалликлар (ўлат, вабо), полиомиелит, дифтерия, чақалоқлар қоқшоли, маҳаллий келиб чиққан безгак, қизамиқ ва қизилча юзага келишидан тўлиқ ҳимоя қилиш имконини берди. Полиомиелитнинг ёввойи штамми (2002 йил), қизамиқ ва қизилча (2017 йил), безгак (2018 йил) йўқ қилинганлиги тўғрисида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сертификатлари олинди.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлашни ташкил этишда фуқаролар соғлиғини сақлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид вазифаларни самарали ҳал қилишга тўскىнлик қилаётган айrim муаммоли масалалар ва салбий ҳолатлар сақланиб қолмоқда. Хусусан, тармоқни комплекс хуқуқий тартибга солишининг мавжуд эмаслиги, ўлим ва ногиронликини келтириб чиқариш эҳтимоли катта бўлган касалликларнинг олдини олиш ва улардан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги қонуности ва идоравий ҳужжатларнинг ҳаддан ортиқ кўплиги соғлиқни сақлаш тизими барқарорлигини таъминлаш имконини бермаяпти. Трансплантология, кўмакчи репродуктив технологиялар, телетибиёт каби талаб юқори бўлган йўналишларнинг етарлича тартибга солинмаганлиги миллий соғлиқни сақлаш тизими тиббиёт илм-фани ва амалиётининг замонавий ютуқларидан ортда қолиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунга қадар мажбурий тиббий суғурта тизимини жорий этиш учун шартшароитлар яратилмаган. Натижада ҳанузгача соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш асосан бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилмоқда. Соғлиқни сақлаш бирламчи бўғинининг профилактика, патронаж ва ўз вақтида даволашташис қўйиш ишлари, шу жумладан амбулаторияда даволашни охиригача етказиш самарадорлиги қониқарсизлигича қолмоқда. Бунинг натижасида аҳоли соғлиғини сақлаш тизимида қиммат турадиган статсионар ёрдам асосий ўринни эгалламоқда. Соғлиқни сақлаш тизимига ахборот-коммуникация технологияларининг етарлича жорий этилмаганлиги, тиббиёт хужжатларининг жуда катта ҳажми қоғоз шаклида юритилиши қабул қилинаётган қарорлар ижросини тезкор кузатиб бориш ва самарали ижросини таъминлаш имконини бермаяпти, шунингдек, ортиқча бюрократизм ва катта харажатларга сабаб бўлмоқда.

Юқорида келтирилган камчиликларни баратараф қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон [Фармони билан “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш Концепцияси”](#) қабул қилинди [8].

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 83-сон қарори билан тасдиқланган “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар”нинг З-мақсади сифатида соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва барча ёшдаги кишиларнинг фаровонлигига кўмаклашиш белгиланган.

Шунингдек, **Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегиясида мамлакатимизда соғлик ва фаровонликка эришиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда ушбу йўналишдаги аниқ мақсад ва вазифалар белгилаб қўйилган.** Улар қўйидагилардан иборат: кўрсатилаётган тиббий хизматларни аҳолига янада яқинлаштириш ва қулайлигини ошириш мақсадида республика худудларида тиббиёт кластерларини ташкил этиш (55-мақсад); аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, тиббий хизматларни марказлаштириш ва аҳолини тиббий суғурталаш амалиётини жорий қилиш (56-мақсад); тиббий асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш (57-мақсад); дори-дармон ва тиббий буюмлар муомаласини тартибга солиш ҳамда аҳолига арzon ва сифатли маҳсулотлар етказиб бериш тизимини такомиллаштириш (58-мақсад); бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, соҳага ажратиладиган маблағларни ошириш (59-мақсад); репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш (60-мақсад); тиббий хизматлардаги хусусий секторнинг улушкини 25 фоизга етказиш (61-мақсад); мамлакатда ишлаб чиқариладиган дори-дармон ва тиббиёт воситаларининг улушкини 80 фоизга етказиш (62-мақсад); санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги халқаро мақомга эга лабораторияларини ташкил этиш (63-мақсад); худудларда бирламчи тиббий хизматни «бир қадам» тамоили асосида ташкил этиш (64-мақсад); ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш, уларнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш (66-мақсад);

жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган фуқароларнинг сонини ошириш (67-мақсад); аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш (79-мақсад) юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланди.

Аҳолининг соғлиғини сақлаш бир тарафдан фуқароларнинг соғлиғини салаш ҳуқуқини таъминлаш билан боғлиқ бўлса, иккинчи тарафдан аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш билан боғлиқдир. Таъкидлаш жоизки, **Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги 1996 йил 29 авгуустдаги 265-І-сон қонуни [9]** 3-моддасида фуқаролар соғлиғини сақлашнинг асосий принциплари белгиланган бўлиб, ушбу принциплар қуидагилардан иборат:

- соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши;
- аҳолининг барча қатламлари тиббий ёрдамдан баҳраманд бўла олиши;
- профилактика чора-тадбирларининг устунлиги;
- соғлиғини йўқотган тақдирда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши;
- тиббиёт фанининг амалиёт билан бирлиги.

Мазкур қонуннинг 13-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эгадирлар. Давлат ёши, жинси, ирқи, миллати, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар фуқароларнинг соғлиғи сақланишини таъминлайди. Давлат фуқароларда касалликларнинг ҳар қандай шакллари борлигидан қатъи назар, уларнинг камситишлардан ҳимоя қилинишини кафолатлади. Ушбу қоидани бузишда айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси худудидаги чет эл фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар, соғлиқни сақлашда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари билан тенг ҳуқуқдан фойдаланадилар. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилайди.

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташхис қўйиш-даволаш, куч-куватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек беморларни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногиронлиги бўлган шахсларни боқишиш-парваришлиш юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга. (Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонунининг 16-моддаси)

Аҳолининг соғлиғи ва фаровонлигини таъминлашда фуқароларнинг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш ҳам муҳим бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг 26.08.2015 йилдаги **“Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги ЎРҚ-393-сон қонуни** мамлакатда санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлашнинг асосий шартларини белгилади. Қонуннинг 4-моддасида белгиланишича, аҳолининг санитария-эпидемиологик

осойишталиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

санитария-гигиена тадбирларини ва эпидемияга қарши тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

давлат томонидан санитария-эпидемиология нормаларининг жорий этилиши;

аҳолининг санитария маданияти даражасини ошириш;

давлат санитария назоратини амалга ошириш;

халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Мазкур қонуннинг 4-моддасида белгиланишича, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари давлат органлари ҳамда бошқа органлар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилиши шарт бўлган аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги талабларни белгилайдиган ҳужжатлардир.

Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи томонидан тасдиқланади. Улар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида мажбурий тартибда хукуқий экспертизадан ўтказилади ҳамда ижобий хулоса олинганидан кейин ҳисобга қўйилади.

Қайд этиш жоизки, эколог-хукуқшунос олимлар санитария нормаларини ҳам экологик нормативлар сирасига киритишади. Хукуқ тизимининг забардаст соҳаларидан бўлган экология хукуқи аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ хукуқий институтларни ҳам ўрганади. Собиқ Иттифоқ таркибига кирган давлатларнинг асосий қисмида ҳалигача экология хукуқи атамаси сақланиб келинади ва ушбу хукуқ соҳаси асосан атроф муҳитга салбий таъсир билан боғлиқ нормаларни татқиқ этади. АҚШ ҳамда Европа давлатларида эса Атроф муҳит хукуқи (Environmental law) фани ўрганилади. Атроф муҳит хукуқининг предмет доираси Экология хукуқига нисбатан кенгроқ бўлиб, унда антропоген таъсир остида бўлган, ўзгарган атроф муҳит ҳолати билан боғлиқ хукуқий муносабатларни ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистон Республикасида атроф муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга оид фундаментал қонун ҳисобланган **“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришишда риоя этилиши зарур бўлган қоидалар белгиланган бўлиб, улар сўзсиз барқарор ривожланишга, инсоннинг фаровонлиги ва соғлиғини таъминлашга хизмат қиласи**. Ушбу қоидалар қўйидагилардан иборат:

инсоннинг яшаш муҳити бўлмиш биосфера ва экология тизимлари барқарорлигини сақлаб қолиш, одамларнинг экологик жиҳатдан хавфсизлиги, инсон ва унинг келгуси авлодлари генетик фонди ҳақида ғамхўрлик қилиш;

фуқароларнинг ҳаёт учун қулай табиий муҳиттага эга бўлиш хукуқини таъминлаш, барча турдаги таълим муассасаларида экология ўқувининг мажбурийлиги;

жамиятнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини илмий асосланган ҳолда уйғунаштириш;

табиатдан маҳсус фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш ва умумий асосларда фойдаланганлик учун ҳақ тўламаслиқ;

экология экспертизаси ўтказишнинг мажбурийлиги;

табиатдан оқилона фойдаланишни ва табиатни муҳофаза қилишни рағбатлантириш;

табиий ресурсларни тиклаш зарурлиги, атроф табиий муҳит ва инсон сиҳат-саломатлиги учун заарли, тиклаб бўлмас оқибатларга йўл қўймаслик;

табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишда ошкоралик;

табиатни муҳофаза қилиш соҳасида миллий, регионал ва халқаро манфаатларни уйғуналаштириш;

табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги талабларини бузганлик учун жавобгар бўлиш.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикасида табиатдан умумий тарзда ва маҳсус йўсинда фойдаланилади. **Табиатдан умумий ва маҳсус фойдаланишининг чегаралари** табиий ресурсларнинг алоҳида турларига оид қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топади.

Инсон соғлиги ва фаровонлиги кўп жиҳатдан унинг **яшаш учун қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш хуқуқи таъминланиши** билан боғлиқ. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддасида белгиланишича, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўз саломатлиги ва келажак авлоднинг саломатлиги учун қулай табиий муҳитда яшаш, ўз саломатлигини атроф муҳитнинг заарли таъсиридан муҳофаза қилиш хуқуқига эга. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат ташкилотларига бирлашиш, атроф табиий муҳитнинг аҳволи ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга доир ахборотларни талаб қилиш ва олиш хуқуқига эга.

Мазкур моддада фуқароларнинг **қулай яшаш шароитини сақлаб қолиш мажбурияти** ҳам белгиланган бўлиб, унга кўра Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши, табиат бойликларига эҳтиётлик билан муносабатда бўлиши, экология талабларига риоя этиши шарт.

“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддасида **атроф табиий муҳит сифатининг нормативлари ва стандартлари** белгиланган бўлиб, унга кўра хўжалик фаолиятининг атроф табиий муҳитга заарли таъсири атроф табиий муҳит сифатининг аҳолининг экология жиҳатидан хавфсизлигини, табиий ресурсларни тиклаш ва муҳофаза қилишни кафолатловчи нормативлари ва стандартлари билан чеклаб қўйилади. Ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуиларини таркиб топтиришда, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилишни ривожлантиришда ҳамда шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктларини қайта қуриш ва таъмирлашда атроф табиий муҳитга бўладиган таъсирининг йўл қўйиш мумкин бўлган меъёrlари белгиланади.

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар атроф муҳитга таъсирининг йўл қўйилиши мумкин бўлган энг юқори даражаларини тартибга солувчи экологик ва бошқа йўсиндаги мезонларни ишлаб чиқишлиари шарт.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор тараққиёт дастури бутун жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг олий мақсадларни қамраб олади. Ўзбекистон Республикаси ҳам ўз олдига мазкур мақсадларга эришишни қўйган ва ушбу йўналишда тизимли чора-тадбирлар амалга оширмоқда.

Adabiyotlar/Literatura/References

1. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 22.02.2022 й., 09/22/83/0157-сон, 10.06.2022 й., 09/22/324/0510-сон; 10.08.2022 й., 09/22/438/0726-сон.
2. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2019 й., 06/19/5863/3979-сон; 13.11.2020 й., 06/20/6110/1512-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон.
4. <https://www.fao.org/interactive/state-of-food-security-nutrition/ru/>
5. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>
6. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.02.2021 й., 07/21/5009/0164-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.06.2022 й., 06/22/150/0516-сон.
7. <https://www.who.int/ru>
8. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.12.2018 й., 06/18/5590/2285-сон; 13.11.2020 й., 06/20/6110/1512-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.10.2021 й., 06/21/6320/0940-сон, 30.11.2021 й., 06/21/26/1111-сон, 24.02.2022 й., 06/22/78/0163-сон.
9. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 03.08.2021 й., 03/21/705/0742-сон; 18.05.2022 й., 03/22/770/0424-сон; 04.11.2022 й., 03/22/800/0990-сон.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 2 (3) - 2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамият

Таҳририят манзили:
100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч қўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com
Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).